

НОЗИМ ҲИКМАТ ВА МАҚСУД ШАЙХЗОДА

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10334390>

Филол. ф. н. Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ТДШУ профессори, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат ва ўзбек адабиётининг иирик намояндаси Мақсуд Шайхзодаларнинг дўстлиги, адабий ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Гафур Гулом, Ойбек, Миртемир каби XX аср ўзбек адабиётиниг улуглари турк адабиётини яхши билганилиги ҳақида фикр билдирилади. Мақсуд Шайхзоданинг Нозим Ҳикмат шеърларидан қилган таржималари хусусида сўз юритилади.

Калим сўзлар: Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Товфиқ Фикрат, драматург, публицист, Гафурга хат, руҳий яқинлик, “Бир севги афсонаси”

Аннотация: В этой статье рассказывается о дружбе и литературном сотрудничестве известного турецкого поэта Назима Хикмата и великого представителя узбекской литературы Максуда Шайхзады. А также говорится о том что такие представители узбекской литературы XX века как Гафур Гулям, Айбек и Миртемир были хорошо осведомлены о турецкой литературе. А также идёт речь о стихах Н.Хикмата переведенных М.Шайхзадой.

Ключевые слова: Фитрат, Чулпан, Кадири, драматург, публицист, письмо Гафуру, духовная связь, легенда одной любви.

Annotation: This article dedicated to the friendship and literary collaboration between great Turkish poet Nozim Khikmat and great representative of Uzbek literature Maksud Shaykhzoda. This article also talks about that great representatives of Uzbek literature in 20th century such as Gafur Gulom, Mirtemir and Oybek were get acquainted with Turkish literature.

Key words and phrases: Fitrat, Cholpon, Kadiri, Tovfik Fikrat, playwright, publicist, the letter to Gaffur, spiritual connection, “The legend of one love”.

XIX аср охири XX асрнинг биринчи ярмида яшаган кўпгина ўзбек зиёлилари турк адабиётини яхши билганлар. А. Фитрат, А. Қодирий, А. Чўлпон ва бошқа ойдинларнинг (зиёлиларнинг) турк ижодкорлари ҳақида ёзган мақолалари фикримиз далилидир. Ойбек, Гафур Гулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзодалар ҳам туркий халқлар адабиётининг билимдонларидан эдилар. Ойбек ижодининг бошида Товфиқ Фикратдан таъсирланган бўлса, Гафур Гулом Нозим Ҳикматнинг “Бир севги афсонаси” драмасини таржима қилган,

умрининг охиригача Нозим Ҳикмат билан дўстлигини узмай хабарлашиб турган.

Мақсуд Шайхзода ва Нозим Ҳикмат 1926 йили Бокуда учрашганлар. Мана шунда пайдо бўлган дўстлик бир умр давом этди. Шайхзода Нозим Ҳикматнинг кўплаб шеърларини таржима қилиб 1962 йили “65 шеър” (“Давлат бадиий адабиёт нашриёти”. Тошкент -1962) номида сўз боши ва изоҳлар билан нашр этдиради. Бу китобга Нозим Ҳикмат сўзбоши ҳам ёзиб беради. Сўзбошида Нозим Ҳикматнинг ўзбек китобхонига юксак хурмати сезилиб турибди. “Ўзбек ўкувчиси бутун дунё шеър хазинасидан энг қадрли асарларни ўқиган ва ўқимоқдадир. Унинг завқи юксакдир”. Машхур турк шоирининг бу сўzlари унинг инсоний маданиятидан ҳам далолат беради.

М.Шайхзода ҳам китобга ёзган сўзбошисида Нозим Ҳикмат шахси ва ижоди ҳақида ўз фикрларини билдиради: “Замонамизнинг энг қудратли ва оташин сўз санъаткорларидан бири бўлмиш буюк шоир, драматург, публицист, муҳаррир Нозим Ҳикмат ўзининг бутун ҳаётини, ижодини, орзу ва умидларини, илҳом ва ғайратини инсониятнинг озодлик идеал билан, эзилган синфларнингadolat йўлидаги курашлари билан, асоратга тушган халқларнинг қутулиш умидлари билан, Ер юзида ягона оилани вужудга келтириши истаклари билан ёнди”. М.Шайхзода шу баҳона озодлик ҳақидаги орзуларини ифода этмоқ истагандир. Рухий яқинлик бўлгани учун ҳам Шайхзода Нозим Ҳикмат шеърларини ўзбек тилида аслиятдек жаранглатгандир.

“Хозирги кунда Нозим Ҳикмат фақат турк адабиётидагина эмас, балки бутун прогрессив жаҳон адабиётида ўзига хос овозга эга, оригинал ва ажойиб адиблардан бири ҳисобланади. Ўз жонажон ва аламзада турк халқининг эркини, курашини, орзуларини, аламларини бақувват тароналарда куйлаган шоир, шу билан бирга бутун инсоният оламининг тақдирини ўйлади”, дея ёзади Шайхзода “Ер юзида бахт ва тинчлик жарчиси” номли сўзбошисида.

Атоқли таржимон ва адабиётшунос Иброҳим Ғафуров Шайхзода таржималари ҳақида шундай ёзади: “Шайхзода Нозим Ҳикматни жуда кўп шеърларини таржима қилган бу таржималарда уларнинг бир - бирларига жуда яқин томонлари, бир- бирларига жўр янграган оханглари яққол кўриниб туради.” “Умр дафтаридан” деган шеърида ўз алғов - далғов умридан хулоса чиқариб, “Мен инсондай яшадим”, деган эди. Шу уттагина сўзнинг нақадар теранлигидан хайратга тушаман. Бу сўзлар Нозим Ҳикматга, унинг ҳаётига, унинг келажак ҳаёли билан битилган мард шеъриятига қанчалар ярашади! Ернинг юраги олов экан. Назаримда, “Мен инсондай яшадим”, деган иборада шоир умрининг асл мазмуни ва моҳиятинин белгилайдиган шундай олов яшириниб ётганга ўхшайди. Ҳа, Нозим Ҳикмат шундай деб айтишга ҳақли эди.

Унинг бутун ҳаёти шу сўзлар замирида жуда катта мазмунга монанддир. Шу сўзлар Мақсуд Шайхзода ҳаёти, ижоди, шахсиятига ҳам тўла мос келади”. [3]- Мақсуд Шайхзода замондошлар хотирасида. Ф. Ғулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриёти. Тошкент-1983. 144-бет)

Нозим Ҳикматнинг “Орқага қайтмоқни ёқтирумайман мен” сатри шоирнинг курашчанлик руҳини кўрсатиб турибди.

Шунингдек Қуйидаги “Умр дафтари” шеъридан олинган мисралар ҳам шоир юрагидан тўкилгандир:

Мен бўлса хўб ошноман
Хар турли ҳижронларга.
Баъзилари ёддан санар
Юлдузларнинг отларин,
Мен эса санайман
Умримнинг ҳасратларин.

“Умр дафтари” шеърида Нозим Ҳикмат бутун ҳаёти моҳиятини очиб берган бўлса, Мақсуд Шайхзода “Ҳаёт дафтаридан” шеърида устоз Нозимга ҳамоҳанг шундай ёзади:

Мен яшамоқ истайман
Уч рақамли бир сонда,
Ёки: Қалдироқни севганлар
Кўрқмайди қор –ёғиндан,
Тўлқинларнинг фарзанди
Чекинмайди оқиндан.

Нозим Ҳикмат ва Мақсуд Шайхзоданинг шеърларидаги руҳий муштараклик яққол сезилади. Шеърда замонасоз мисралар бўлса ҳам, ҳар икки шоир юқорида келтирганимиз каби мисраларда ҳаётий қараашларини сингдириб кетолган. Шайхзоданинг “Қуёшнинг йўли”, “Қуёш дерки”, “Қуёш, оқшом ва денгиз” каби шеърларида Нозим Ҳикматнинг “Қуёшни ичганлар қўшиғи” тўпламидаги шеърларга ҳамоҳангликни ҳис қиласиз. Икки улуғ шоир ижодидаги эрк, хурият мотивларининг кучлилигини сезамиз. Бу руҳий яқинликни, жўровозликни шоирларнинг кўпроқ сарбаст вазнда ижод қилганларида ҳам кўриш мумкин.

Алишер Навоийни суйган ва ижодини яхши билган, Алишер Навоий ҳақида кўплаб илмий мақолалар ёзган М. Шайхзода билан Нозим Ҳикматнинг сұхбатдарида Алишер Навоий ҳақида сўз бўлганлини мантиқка мос келади. Нозим Ҳикматнинг ҳам буюк Алишер Навоий шеъриятидан хабардорлиги шубҳасиз. Чунки мумтоз турк адаиётининг ривожланишида ҳазрат А.Навоий ижодининг таъсири катта бўлганлиги ҳақида кўплаб турк шоирлари,

адабиётшунослари ёзганлар. Нозим Ҳикматнинг “Бир севги афсонаси” драмасининг бош қаҳрамонлари ҳам Фарҳод ва Шириндир. Нозим Ҳикмат ижодида Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонига ўхшаш асарнинг ёзилишида М. Шайхзода билан қурган сұхбатларининг таъсири бўлиши мумкин.

Мақсад Шайхзода Москвадан даволанаётib, Fafur Fулом хотирасига бағишлиланган “Fafurga xat” шеърини чоп этилиши муносабати билан ўша вақтдаги “Совет Ўзбекистони” газетасида ишлаётган шоир Жуманиёз Жабборовга 1966 йил 2 сентябрида ёзган хатида шудай жумлалар бор: “Ҳомид” эмас. Бу Абдулҳақ Ҳамид (2.2.1852-12.4.1937) номли машҳур гуманист, турк шоиридир. Раҳматли Fafur уни кўп яхши кўрар ва аксар шеърларини ёддан билар эди. Бу шоир... Нозим Ҳикматни устози бўлган”.

“Fafurga xat” шеърида шундай мисралар бор:

Сен Ҳамиднинг шу байтин дердинг серқадар:

“Эвоҳ, на ер, на ёр қолди,

Кўнглим тўла оху зор қолди!”

Бу келтирилган парча Абдулҳақ Ҳамидинг “Maқбар” номли марсиясидан олинган бўлиб, шоир уни Байрутдан қайтаётганда вафот қилган умр йўлдошининг хотирасига бағишилаб ёзганди. Fafur Fулом ва Шайхзоданинг сұхбатларида турк адабиётини яхши билган Fafur Fулом A. Ҳамид шеърларидан ўқиб берган бўлиши мумкин. Эътиборли жиҳати Fafur Fулом нега шу мисраларни тақрорлашни хуш кўрганидир. Руҳига мос, айтолмаган гапларини айтишнинг йўли бўлгандир.

Абдулла Орипов “Нозим Ҳикмат” шеърида шоир ижодидаги бош ғоя эркинликни улуғлаш эканлигини ифодалаб шундай ёзган:

Жамики шеърпаст, эркпараст инсон,

Фоянгизни ялов қилиб кўтарди, устоз Нозим,

Шеърингизни олов қилиб кўтарди, устоз Нозим.

Ижодининг бир қисмини таржимага бағишилаган M. Шайхзоданинг жаҳон адабиётидан (Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Гейне, Байрон, айниқса, Шекспир қилган таржималаридан орттирган тажрибаси Нозим Ҳикмат шеърларини муваффақиятли таржима қилганига асос бўлган дейишимиз мумкин.

Ўзбек шоирларининг (F. Fулом, M. Шайхзода, A. Орипов, X.Худойбердиева ва бошқа) Нозим Ҳикмат шеъриятидаги эрк, озодлик мавзусига, кураш ғоясига (мотив дейиш ҳам мумкин) эътибор бериши бежизгамас. Нозим Ҳикмат ижодига мурожаат қилишда замонасозлик бўлгандир, аммо моҳиятнан қалбдаги, рухиятдаги эрк, истиқлол истагини қандайдир шаклда ифодалашнинг уддасидан чиқиш дея қарамоқ керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

1. Нозим Ҳикмат. “Бир севги афсонаси”. ЎзДавНашр. Тошкент: 1955.
2. Нозим Ҳикмат. “65 шеър”. “Давлат бадиий адабиёт нашриёти”. Тошкент - 1962.
3. Мақсуд Шайхзода замондошлар хотирасида. Faafur Fu'lom nomidagi “Адабиёт ва санъат” нашриёти. Тошкент-1983.
4. Мақсуд Шайхзода. Дунё боқий. Faafur Fu'lom nomidagi “Адабиёт ва санъат” нашриёти. Тошкент-1988.

